

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Технология факультети

Ижтимоий фанлар кафедраси

«Фалсафа» фанидан

**Мавзу: Ғаззолий тассаввуфий таълимоти шаклланишининг
тарихий ва ғоявий манбалари.**

Реферат

Бажарди:

5-КТИ-11 гуруҳ талабаси
Б. Парпиев

Қабул қилди:

доц. А.Ҳакимов

Наманган-2014 йил.

Режа:

1. Тасаввуф Марказий Осиё фалсафий фикр ривожининг муҳим бир йўналиши
2. Абу Ҳомид Имом Ғаззолий ижодий фаолияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари
3. Абу Ҳомид Имом Ғаззолий ижодий ҳақиқатга эришиш йўллари
4. Абу Ҳомид Имом Ғаззолий ижодида инсон ҳаётининг мазмуни масаласи

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

1. Тасаввуф Маразий Осиё фалсафий фикр ривожининг муҳим бир йўналиши

Илк ўрта асрларда тасаввуф ўзининг юқори чўққисига чиқа бошлаган давр ҳисобланади. Тасаввуфнинг тарихий келиб чиқишига қарасак кўплаб ихтилофлар ва фикр плюрализмига дуч келамиз. Албатта таълимот бўлганидан кейин унга қаршилар ва унинг тарафдорлари чиқади. Тасаввуф сўзининг ўзидаёқ кўплаб ёндашувлар ва тортишувлар келиб чиққан, унинг луғавий маъносига нисбатан, унинг тарихий келиб чиқишига нисбатан ва охир оқибат тасаввуфнинг шариатга ҳилофлиги ҳақида. Тасаввуфнинг қайси ўзақдан олингани ундан кўзланган маъно ҳақида бир қанча фикр мулоҳазалар айтилган. Бинобарин, “суфий” сўзида ҳам мана шундай ҳолни кўрамиз. Зотан бу икки сўз ва маъно бир-биридан ажралмас нарсалардир. Фикримизни тасдиқи сифатида шу мулоҳазаларнинг айримларини кўриб ўтсак.

1. Айримлар “суфий” сўзи аҳли суффага нисбат деб тушунишади. Расулulloҳ (с.а.в)нинг вақтларида, у зотнинг масжидларида суффа бўлган. Ўша суффада уй-жойи йўқ ўта камбағал саҳобалардан бир гуруҳи яшаганлар. Улар асосан толиби илм ва тақводорлик билан умр кечирганлар, суфийчилик ўшалардан келиб чиққан дейилади.

Аммо бу фикрга қарши тарафлар, агар “суфий” сўзининг асли суффа бўлганида араб тили қондасига биноан уни уни суффий дейилиши керак эди. Шунинг учун суфий сўзи суффа сўзидан олинган дейишлик тўғри бўлмайди.¹

2. Бошқалар “суфий” сўзи “саф” сўзидан олинган дейдилар. Уларнинг фикрича, суфийлар ибодатнинг олдинги сафида бўлганлар, шунинг учун бу номни олганлар, деган фикрни билдирадилар.

Аммо луғат уламолари бу фикрни ҳам рад этадилар. Чунки сафга нисбат берилса саффий дейилиши керак эди.² Бундан ташқари суфийлар ўта камтар инсонлар ва улар ўзларини саф бошида деб айтишлари бироз ҳақиқатдан йироқдир.

3. “Суфий” сўзи Суфа ибн Удд ибн Тлобихага нисбатдир, дейдиганлар ҳам бор. Қадимда ўта кўп ибодат қиладиганлар айнан ўша одамга нисбат берилган.

Аммо бу талқин ҳам қабул қилинмаган. Чунки Исломда ўзга диндагиларни ўзига ўрнак қилиб олиш мумкин эмас. Суфа ибн Удд ибн Тлобиха жохилият даврида фаолият кўрсатган.³

4. Баъзилар “суфий” сафодан олинган дейдилар. Қалби соф бўлган кишилар суфий бўлишига ишоратдир деганлар.

Аммо кўпчилик бу фикрни ҳам рад этади. Сафо сўзининг суфий бўлиб қолиши луғат жиҳатдан ҳам, мантиқ жиҳатдан ҳам тўғри келмайди.⁴

5. Кўпчилик “суфий” сўзини сувф - жун сўзидан олинган, дейдилар. Аввало луғат жиҳатдан бу сўз жуда тўғри келади. Қолаверса, кўп ибодат қилишга берилган кишилар кийимни жуда содда кийганлар. Одатта уларнинг кийимлари фақат жундан иборат бўлган, дейдилар.

Жун майин бўлмаганлиги сабабли ҳам барча асрларда обидларнинг хос кийими ҳисобланган. Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг обидликлари ҳақида сўз борганда ҳам “У зот жун кийим кияр эдилар” деган ривоят келтирилади.

Ҳасан ал- Басрий (р.а)дан қилинган ривоятда “Бадр уруши қатнашчиларидан етмиштасини кўрганман, барчасини кийими фақат жундан эди”, дейилган.⁵

Ҳам мантиқан, ҳам мазмунан ва ҳам луғат томонидан олиб қарасак охиригиси ҳақиқатга яқин ҳамда шу охиригисини кўпчилик мутахассислар қабул қилганлар.

Тасаввуф ҳақида гапирганимизда албатта кўз олдимишга тариқатлар келади келинг бизнинг наздимизда тараққий этган ва дунёга машҳур тариқатларни кўриб чиқсак ва шу орқали Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқалган тариқатларни кўриб чиқиш орқали тасаввуф ва Ислом динини Марказий Осиё фалсафий фикр ривожига қўшган ҳиссасини таҳлил қилиб чиқамиз.

¹ Шайх Муҳаммад содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур Т. Мовароуннаҳр 2004. 30-бет

² Ўша асар. 30-бет

³ Ўша асар. 30-бет

⁴ Ўша асар. 31-бет

⁵ Ўша асар. 31-бет

IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, сўфийларнинг амалий, рухий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш табдир-усуллари шаклланди. **Тарикат, маърифат, ҳақиқат** деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди - тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди. Сўфийлар дастлабки пайтлар тасаввуфни нукул сиру асрор, тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар («иборага келмайдиган ишоратлар») деб ҳисоблаган бўлсалар, бора-бора бу ҳолатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилина бошланди, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари, одобини яратиш зарурати туғилди. Натижада, тарикат ва шариат орасидаги муносабатлар, олам, одам ва Худо орасидаги алоқа-муомала моҳияти, тавҳид - ваҳдат масалалари мунозаларга сабаб бўлди. Дин арбоблари билан сўфий шайхлари, айниқса фалсафийлашган тасаввуф тарафдорлари жиддий мафкуравий тортишувларгача бордилар. Тасаввуф бутун Ислом оламини забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар қурилди, йўлларда работлар, азиз-авлиёларнинг мазоротида шайхлар маскан тутиб, кўплаб шоигрдларни тарбияга олдилар.

Марказий Осиёда қуйидаги тарикатлар қадимдан кенг тарқалган: **қодирия, яссавия, кубравия** ва **нақшбандия** (ёки «хожагон»).

Қодирия тарикати. Бу тарикат Абу Муҳаммад Муҳийиддин Абдул Қодир ал-Жилоний Раҳматуллоҳи алайҳ номлари билан айтилган. Абдул Қодир ал-Жилоний (р.а) 470 ҳижрий санада (1077) Бағдодда таваллуд топганлар ва ўша ерда 562 ҳижрий санада (1166) вафот этганлар. У киши машҳур фақиҳ бўлиб ҳам шофеъий, ҳам ҳамбалий мазҳаби ила фатво берар, кароматлар кўрсатар, илму риёзият билан машҳур эдилар. Абдул Қодир ал-Жилоний (р.а) Жунайд Бағдодийнинг «сахв» (хушёрлик) концепциясини ривожлантирган, у муридлари орасида «Буюк мададкор» (Ғавсул аъзам) номи билан машҳур бўлган. Бу зотнинг тасаввуфга оид машҳур асари “Суррур асрор”дир. Абдул Қодир ал-Жилоний (р.а)нинг тарикати ҳозирги Арабистон мамлакатлари, Туркия ва Ўзбекистонда тарқалган. Абдулқодир Гелоний Мовароуннаҳрда бўлган эмас, аммо шунга қарамай унинг тарикатининг Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё томонларда ихлосмандлари ва издошлари бор.

Яссавия тарикати. Бу тарикат улуғ мутасаввиф Хўжа Аҳмад Ясавий (р.а) номлари билан аталгандир. У киши 562 ҳижрий санада (вафоти 1166 йил) вафот этганлар. Шунини айтиш керакки, яссавия билан нақшбандиянинг илдизи Хожа Яъқуб Юсуф Ҳамадонийга (1048–1140) бориб тақалади.

Аҳмад Ясавий илк устози Арслонбобдан хирқа кийиб, тасаввуф йўлига киргач, Бухорога бориб Ҳамадонийдан тарикат таълимини олади. Абдуҳолиқ Ғиждувоний билан бирга Ҳамадонийнинг энг ишонган халифасига айланади. Ҳамадоний вафот этгач, унинг ўрнига учинчи бўлиб шайхлик мақомига кўтарилади, аммо кўп ўтмай Бухородаги ишларини биродари Абдуҳолиқ Ғиждувонийга топшириб, ўз ватани Туркистонга қайтади ва бу ерда янги тарикатни таъсис этади. Унинг кўп сонли муридлари туркий халқлар орасида юриб, тасаввуф ғояларини ёйганлар. Ясавий овоз чиқариб зикр айтиш («зикри жаҳрия») ва кароматлар кўрсатиб мурид тарбиялаш, хилватда суҳбат қилишни йўлга қўйган. Унинг ўзидан кейинги силсиласини қуйидаги шайхлар давом эттирганлар: Сўфи Муҳаммад Донишманд, Суйламон Боқирғоний, Мансур бин Арслон бобо, Луқмон Паранда, Абдумалик Тожхожа, Исҳоқ бобо, Занги ота бин Абдумалик, Саид Хоразмий, Халил ота, Хожа Бектош Валий, Узун Ҳасан, Садр Хожа, Бадр Хожа, Аҳмад Саййид, Камол Иқоний, Ҳазрати Башир ва бошқалардир.

Яссавия тарикати ҳозирги Марказий Осиё, Туркия ва Россия ҳудудларида тарқалган.

Қубровия тарикати. Кубравиянинг асосчиси хоразмлик улуғ шайх Нажмиддин Кубро (1145–1221)дир. У кишининг исми Аҳмад, отасининг исми Умар бўлиб, Нажмиддин, Кубро, Валитарош, Абулжанноб сўзлари у кишини шарафловчи куня ва лақаблардир.

У киши Миср, Эрон Ироқ, Шом мамлакатларини кезиб, турли илмларни эгаллаганлар. Шайх Рўзбехон Ваззон, Бобо Фараж, Шайх Ёсир Аммор, Шайх Исмоил ал Касрийлардан сўфийлик сирини эгаллаб, Хоразмга қайтиб, хонақо қурганлар. Жуда кўп муридлари бўлган. У кишининг назари тушган одам албатта илоҳий файзу баракот топар экан. Улуғ шайх шогирдларига илоҳий ҳақиқатлар сирини очиш, поклик ва руҳий-маънавий юксалишни таълим берган. Нажмиддин Кубро бир неча китоблар таълиф этган, уларда инсон ва коинот, инсон руҳияти тадқиқ этилади. Ўзига хос тарикат йўли («усули ашъора» – ўнта усул) баён этилади.

Нажмиддин Кубро муғул босқичиларига қарши жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, қабри Кўҳна Урганчдадир.

Нажмиддин Кубронинг силсиласи:

Мажиддин Бағдодий, Сайфиддин Бохарзий, Саъдиддин Ҳамавий, Фаридиддин Аттор, Разиаддин Ахи Лоло, Нажмиддин Доя, Бадриддин Фирдавсий, Нажмиддин Муҳаммад, Садриддин Иброҳим, Азизиддин Насафий, Шайх Камол Жундий, Нуриддин Абдурахмон Исфохоний, Рукниддин Али ад Давла ас Симноний.

Кубравия Эрон, Покистон, Африкада тарқалган, фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония каби ўндан ортиқ шохалари бор.

Нақшбандия тариқати. Нақшбандия Бухорои шарифда шаклланган бўлиб, дунёда энг кўп тарқалган тариқатидир. Асосчиси Баҳоваддин Муҳаммад бин Бурҳон бин Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389). «Нақшбанд», «балогардон» ул зоти шарифнинг муборак сифатларидир. Баҳоваддин Нақшбанд силсиласини юқорида келтирдик. Аммо бу бир шохасидир. Нақшбандиянинг Ҳиндистон, Малазия, Филиппин, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Россияда яна кўплаб тармок силсилалари бор. Ҳатто ғарбий Европа ва АҚШда ҳам бу тариқат тарафдорлари бор. Лекин шуни қайд этиш керакки, хорижда яшовчи «нақшбандий»ларнинг бир қисми асл Нақшбанд тариқатидан узоқлашиб қолганлар. Нақшбанд зикри ҳафий (сокин зикр) тарафдори, у киши суҳбатни тарбиянинг асосий қуролига айлантириб, хилватнишинликни ҳам, самоу рақсни ҳам қабул қилмаганлар. Балки ботиний оламни ривожлантириш, шариатдан узоқлашмасдан сўфийлик мақомини эгаллашни талаб қилдилар. Нақшбанд ҳазратлари амал қилган «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман», «хуш дар дам», «назар дар қадам», «дил ба Ёру даст ба кор» шиорлари одамни ҳам маънавий юксалишга кўмаклашади ва ҳам жамиятда баҳамжиҳат яшаб ўзаро бир-бирига ёрдам бериш, меҳнат, бунёдкорлик билан юртни обод қилишга сафарбар этади.

Бу ғоялар ва таълимотлар ислом тупроғидан униб чиққан. Инсоният цивилизациясида катта аҳамият касб этиб, нафақат Шарқ дунёсида балки, бутун дунё фалсафий тафаккурига ўз таъсирини кўрсатган.

Бу борада юртимиз раҳбари буни қуйидагича таърифлайди: «Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу Қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган».¹

Марказий Осиё фалсафий фикр тараққиётида тасаввуфнинг тутган ўрни бекиёс, чунки биз билган ҳам таниган кўплаб олиму-уламоларимиз, матасаввиф ва файласуфларимиз тасаввуф илми билан қизиққан ва ўз ижодларини айнан шу масалага қаратганлар. Тасаввуфий-фалсафий ғоялар орқали инсониятни маънавий-маърифий дунёсини бойтишда катта ишларни амалга оширганлар. Жумладан, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, азизиддин Насафий кейинги давр олимлари Машраб, Увайсий кабилардир. Буларнинг ижодини ўрганар эканмиз биз албатта тасаввуфий руҳда ёзилган асарларидан ҳам диний-тасаввуфий (руҳий покланиш, илоҳий ахлоқий фазилатлар, ҳаётнинг мазму-моҳияти ва ҳақиқатга эришишнинг ўзига ҳос усулларини), фалсафий-дунёвий (онтологик-гносеологик, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат, инсоннинг дунё билан муносабати, инсон кадр-қиммати) каби илмий ижодимиз учун озуқалар оламиз.

Масалан: Алишер Навоий шеърлари ва дostonларида илгари сурилган фалсафий қарашлар ижобий қаҳрамонлар қиёфаларида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатлар ҳақида кўп ёзилган. Айни пайтда, Навоий сўфийликнинг нақшбандия сулукига мансуб йирик шахс - мутасаввиф сифатида ўз даврининг фалсафий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган мутафаккирдир. У «Қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбандия тариқатининг адоси» деган шеърида ўзи мансуб бўлган тариқатнинг тўрт тамойилини шундай тушунтиради:

*Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироқ солмагил,
Бу йўл азми агар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушини,*

¹ И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.Ўзбекистон. 1999. 132 бет

*Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чолинмоқ не тонг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлғуси нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга.¹*

Шу ўринда нақшбандия тариқатининг асосий қоидаларига тўхталиб ўтмоқ жоиз. Юқоридаги қитъада Алишер Навоий нақшбандия тариқатининг умумфалсафий аҳамиятга эга бўлган дастлабки тамойилларини ўзига хос шарҳлаган, уларни мазкур тариқат бошловчиси Юсуф Ҳамадоний солиҳларнинг асосий қоидалари тарзида муомалага киритган:

1. Ҳуш дар дам (ҳар нафасда эс-ҳуш жойида бўлиши, ҳушёрлик билан яшаш, ғофилликдан чекиниш).

2. Назар дар кадам (ўзгалар қадамини муҳокама қилишдан кўра ўз қадамининг пок, ҳаром-харишдан йироқ бўлишини кузатиб бориш, кадам-бақадм маънавий юксакликка эришиш).

3. Сафар дар Ватан (Ватанни кезмоқ, кезиб риёзат чекмоқ, уни севмоқ, Ватанда яшаш ҳам бир сафар эканини англамоқ).

4. Хилват дар анжуман (одамлар йиғилган жойларда, халқ орасида ички танҳоликка эришмоқ, гуноҳкорлар анжуманидан фориғ ва Тангри билан бирга бўлмоқ, ўзлигини топмоқ).

Хуллас, нақшбандия тариқатининг икки томони бор. Биринчиси ахлоқий жиҳати: у заминдан, халқдан, меҳнатдан узилиб қолмасликка, маърифатлилиқка эришишга, жаҳолатга, зулмга қарши курашишга, бирор-бир касбнинг бошини тутишга, ўзгаларга ахлоқий намуна бўлиб яшашга чақиради. Иккинчиси илоҳий жиҳати: у ахлоқий қисмига ҳамоҳанг - покликка, Ватанни билишга, ватанпарварликка даъват этади.

Бу тариқатнинг яна «Хилватда - шуҳрат, шуҳратда офат» деган ақидаси ҳам диққатга сазовор. Хилватда фақат ўзини ўйлаб, эртадан кечгача ибодат қилишда ҳам ғараз бор: бу, биринчидан, кишининг жаннатдан энг аввало ўзи ўрин олиши учун тиришиб-тирмашиши бўлса, иккинчидан, Худога худбинлик орқали яхши кўриниш ва, учинчидан, одамлар кўзига ўзини зўр қилиб кўрсатиш, яъни шуҳрат орттириш.

Шунингдек, бу тариқат зиёлиларга жуда катта масъулият юклайди. Унинг «Агар мамлакат хароб бўлса, шохдан хафа бўлма, ҳақиқат аҳли наздида бу дарвешларнинг - зиёлиларнинг, илм аҳлининг гуноҳидир», «Ҳеч кимдан хафа бўлма ва ҳеч кимни хафа қилма», «Ўлик шердан тирик мушук афзал» сингари ҳикматлари ҳам ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди.²

Тасаввуф илмини ўрганиб туриб шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, иносни қалбини, ички дунёсини тарбиялашда тасаввуф катта аҳамиятга эга ва биз рационал илмларни ўрганишда тасаввуфдан фойдаланган ҳолда оҳиратимизни ҳам, бугунимизни ҳам ўйлашимиз керак. Инсон ҳеч бир вақт ғайб оламини ўргана олмайди, ва бу илмни ўрганиш бугунги моддий дунёсига ҳеч қандай наф ҳам бермайди, шунинг учун дунёвий билимларни бизни реал дунёимизга нафи бор жиҳатларини ўрганишимиз керак бўлади.

2. Абу Ҳомид Имом Ғаззолий тасаввуфий қарашлари шаклланиши ва унинг фалсафий моҳияти.

Тасаввуф борасида ҳеч ким Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийчалик чуқур илмий фикрлар баён этган эмас.

Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий– Шарқнинг дунёга машҳур мутафаккирларидан, калом илми (фикх, тафсир, ҳадис), фалсафа ва тасаввуф масалалари бўйича бир нечта жаҳоншумул аҳамиятга эга китоблар муаллифи. Ғаззолий асарлари 1145 йилдан бошлаб Европа тилларига таржима қилина бошлаган, Данте, Бекон, Дидро, Руссо, Гегел уни донишманд мутафаккир сифатида тилга оладилар. Бу зот Хуросоннинг Тус шаҳрида милодий 1059 йили таваллуд топди. Болалик ва ўсмирлик йилларини ўз туғилган шаҳрида ўтказиб даслабки илмни ҳам шу ерда эгаллади, кейинчалик Нишопурда калом илмининг алломаси ашъарий Жувайнийдан таълим олиб, шу

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тоълаи. Т. 3. Т., 1988, 544–545–6.

² Академик И.Султон билан А.Шер суҳбати. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 1–сон.

соҳанинг билимдони сифатида ном чиқаради. 1085 йили Ғаззолий Салжуклар давлатининг бош вазири бўлган Низомулмулк хизматида эди. Шу вақтда у фалсафа билан жиддий шуғуллана бошлади. Бунга қадар у ислом асослари ва илоҳиёти, тафсир ва калом илмларини, шунингдек исмоилий таълимотини чуқур эгаллаган эди. 1091 йилда Низомулмулк ўзи томонидан Бағдодда ташкил этилган Низомий мадрасасига Ғаззолийни мударрис сифатида таклиф этди. Ўша замоннинг энг йхши ўқув юрти бўлган бу даргоҳда Ғаззолий 4 йил дарс берди, сўнгра мадрасани ўз акаси Аҳмадга топшириб, ўзи бор давлатию обрўйини ташлаб тасаввуфий ҳаёт кечира бошлади. Илм олиш истагида Имом Ғаззолий узоқ сафарга отланиб, Макка, Дамашк, Баятул Муқаддас, Искандарий ва бошқа шаҳарларда бўлиб, у ердаги машҳур олимлар билан учрашади ва кутубхоналардаги китобларни ўқиб чиқади. Бу йиллар унинг ҳаётида оғир йиллар бўлганини ёзади: «Мен ҳамма нарсани: иккиланишларни, шак-шубҳаларни, инкор этишларни, эътиқодсизликни ўз бошимдан ўтказдим; ҳақиқатни тасаввуфда топдим».

Унинг олдида кўндаланг турган асосий муаммо – фан билан дин ўртасидаги қарама-қаршилиқни бартараф этиш эди. Ғаззолий фикрича, бу нарса тасаввуф асосида бартараф этилиши мумкин эди. У ўз ватани Тусга қайтиб, бу масалага бағишланган қатор асарлар яратди. Ғаззолий 1111 йилнинг 19 декабрида Тус яқинидаги Табарон қишлоғида вафот этди.

Ғаззолий фалсафа, ахлоқ, дин ва тасаввуфга доир бир қанча асарларнинг муаллифидирки, улардан энг муҳимлари кўйидагилардан иборат: «Ихёи улум ад-дин» («Диний илмларнинг жонланиши»), «Кимёи саодат» («Бахт-саодат ёки ҳикмат калити»), «Ал-Мункиз минал залол» («Адашишлардан сакловчи»), «Мукошафат ул- қулуб» (Қалблар кашфиёти), «Таҳофут ул- фалосифа» («Файласуфларни рад этиш»), лотин тилига биринчи бўлиб таржима қилинган «Мақосифат ул-фалосифа» (фалсафанинг мақсадлари) каби асарларидир.

Имом Ғаззолий ўз замонининг барча илмларини ўрганиб, уларга муносабат билдирган алломадир. Уни калом илмининг схоластик усуллари ҳам, фалсафанинг ҳаддан зиёд ақлий мушоҳадакорлиги, ички зиддияти ҳам, исмоилийларнинг бир ёқлама қарашлари ҳам қаноатлантирмаган. Ғаззолий ҳар бир илмга унинг инсон табиати ва руҳиятига қанчалик мос келишига ва инсон камолотига хизмат қила олишига қараб баҳо беради. У улуг руҳшунос олим сифатида иш кўради. Калом илми ўзининг ақидалари (догмалари) билан инсон юрагига йўл тополмаслигини, Худони англаш ва севишга етарли эмаслигини англаган олим тасаввуфда бунинг имкониятлари борлигини кўради. Айнан тасаввуфда дин ва иймоннинг руҳий-психологик жиҳати мужассамланган. Чунки тасаввуфда Худони қалб билан идрок этиш, ҳис-ҳаяжон, муҳаббат орқали қабул қилиш бор (буни юқорида кўриб ўтдик). Ғаззолий каломдаги ақлий муҳокамаларни сўфиёна ҳиссий идрок усуллари билан кўшиб, исломий илмларга янгидан руҳ бағишлади, уларни «тирилтирди». Бошқача айтганда, калом нуктаи назаридан тасаввуфни ва тасаввуф нуктаи назаридан калом илмини назардан ўтказди. «У тасаввуфнинг барча қоидаларини таҳлил қилиб, текшириб чиқди, улардан қайсилари суннага мувофиқ келишини, қайси томонлари тўғри келмаслигини аниқлаб берди»¹

Бундан, Ғаззолий тасаввуфни каломга мослаштириш биланганина шуғулланган, деган хулоса чиқмаслиги керак. Имом Ғаззолийнинг хусни таважжуҳи кўпроқ тасаввуф томонида эди. Унинг тадқиқотлари тариқат билан шариатни чуқур илмий-назарий жиҳатдан яқинлаштиришга хизмат қилди, балки ҳар икки томон ривожини учун фойдали бўлди.

Ғаззолий назарида олий даражадаги мустаҳкам иймон сўфий иймонидир, шунинг учун фано йўлидаги беинтиҳо ишқни исломнинг зарурий рукнларидан ҳисобламоқ керак. Имом Ғаззолий ўзининг «Эхёи ул улум ад дин» (Диний илмларнинг қайта тирилиши) ва «Кимёи саодат» (Саодат кимёси) номли китобларида тасаввуфни ислом илмларининг таркибий қисми сифатида чуқур ўрганган, тариқатни одам ахлоқини покловчи ва ҳалок этувчи ҳислатлардан қутқарувчи йўл деб кўтсатади.

Имом Ғаззолийнинг худди шу иши Ибн Жавзийга ёқмаган. Унинг ёзишича, Имом Ғаззолий “Ихёи улум ад дин”да ботил (нотўғри деб топилган ҳадислар) ёрдамида тасаввуфни оқламоқчи бўлади, “ҳолбуки ўзи ўша ҳадисларнинг ботиллигини билмайди”. Имом Ғаззолий сўфиёна қароматларни бор нарса, ҳақиқат деб айтади, дунё Парвардигор пардасидир, шунингдек, шариат ҳам зоҳирий нарса, сўфийлар, фаришталар, руҳлар, анбиёларни кўрадилар ва улардан куйлар эшитадилар ва бунинг фойдаси катта деб ёзади. Бу ахир Исломни бузиш-ку, деб хитоб қилади Ибн Жавзий. “Талбиси иблис” китобининг муаллифи Имом Ғаззолийни ислохотчилик (реформаторликда)

¹ Е.Э.Бертадьс. Суфизм и суфийская литература. М., «Наука», 1965, 43-бет.

айблаган. Ваҳоланки, ислом тарихида ислом илмининг ривожу учун Имом Муҳаммад Ғаззолийчалик хизмати сингган одамлар камчиликни ташкил этади. Имом Ғаззолий Исломни назарий жиҳатдан бойитди, уни янги давр талабига мос равишда ривожлантирди, мустаҳкамлади. Шуни такидлаб ўтиш ҳам жоизки, Имом Ғаззолийгача фалсафа Исломга қарши ҳужум қилар ва мусулмон уламолар химояланиш билан кифояланар эдилар. Худди Ислом айбдору илми калом уламолари унинг номидан фалсафага узр айтаётганга ўхшар эди.

Имом Ғаззолий эса ўзлари фалсафани яхши билганлари учун айбларини англаб етганлари учун бевосита унга шиддатли ва аёвсиз ҳужум қилишни йўлга қўйдилар, ва Исломни бутун дунёга машҳур қилдилар.

Имом Ғаззолий аъламул уламо, буюк диншунос аллома сифатида ислом оламида тан олинган эди. Бундай улуғ шайхнинг тасаввуфга ҳусни таважжуҳ этиши эса бежиз эмас эди. Чунки Ғаззолий бирданига сўфийлар тариқатини қабул қилганларидан эмас. У бошида фикҳ ва ҳадис олими сифатида машҳур бўлган, ўз замонасининг барча илмларида тенгсиз устоз сифатида танилган эди. Шаркнинг энг нуфузли мадрасаси Низомийда раисул уламо лавозимига тайинланиб, уч юз толиби илмга дарс ўқирди. Аммо ёши элликка етганда бирдан мадрасани, дўстлари ва шогирдларини ташлаб, узлатни ихтиёр этди ва бунинг сабабларини ўзининг “Ал-Мункиз миназ залол” (“Адашишлардан қутулиш китоби”)да баён этди.

“Мени тақлид тубанлигидан басират баландлигига қандай журъат етказганини сенга ҳикоят қилай”, деб бошлайди китобини Имом Ғаззолий. “Калом илмидан нима олдим, аҳли таълим (исмоилий масҳаби) ва имомга тақлид қилувчиларким, ҳақиқатни англашдан қусурли ва ожиздирлар, қандай нафрат пайдо бўлганини айтай. Ва фалсафа тўқиш шевасини арзимас деб билганим ва тасаввуф тариқатини қандай афзал билганимни аятай”.

Унинг ёзишича, ёшлигидан қалбида ҳақиқатга ташналик ҳисси борлиги учун “Қўркмасдан ўзини чуқур дарёга” ташлаган, яъни ҳар бир илмни далиллик билан ўргана бошлаган. Ҳар бир тоифанинг ақидасини яхшилаб тафаккурдан ўтказган ва қониқмай яна янгисини ўргана бошлаган. Имом Ғаззолийнинг такидлашича, илм икки хил бўлади. Бири-тақлидий илм, яъни ўтмишдан мерос қолган, ота-она ва устозлардан олинган билимлар. Иккинчиси-кашф этилган илм. Тақлидий илм кўр-кўрона эргашиши билан бўлади, кашф этилган илм эса ҳар бир шахснинг қобилияти, шуурий изланиш орқали қўлга киритилади. “Менинг мақсадим амрлар ҳақиқатини кашф этиш эди”, дейди муаллиф. Зотан ҳаётда жуда кўп одамлар тақлидий билимлар билан қаноатланадилар. Чунки янгилик яратмай, тайёр хуналар, илмларни ўрганиб, кўп қатори йшаш осон. Аммо тарққиёт учун, инсоният тафаккурини олға силжитиш учун илоҳий ва дунёвий ҳақиқатларни, моҳиятларни излаш, кашф этиш зарур. Бу айрим буюк шахсларнинг насибаси.

Шундай буюк шахслардан бири бўлган Имом Ғаззолий ҳақиқат толиби бўлиб, аввал калом илмини, сўнгра фалсафасини, кейин исмоилий таълимотини ва охири тасаввуфни ўрганишга киришган. У илми калом ҳақида, фалсафа ва исмоилий ҳақида бир неча китоблар ёзади. Олим шундай хулосага келадики илми калом ҳам, фалсафа ва исмоилий ҳам илоҳий ҳақиқатларни янгилатишга кодир эмас. Мана унинг хулосалари:

“Мутаккалимлар ўз ақидаларини чуқурлаштириш учун жавҳар ва араз (фалсафа тушунчалари) масалаларида баҳс бошладилар ва фалсафага қўл урдилар. Лекин улар илмининг мақсади бошқа бўлгани сабабли уларнинг сўзи нишонга етмади ва одамлар орасидаги шак – шубҳаларни бартараф қилаолмадилар”.

“Икки йил ичида файласуфлар илмини эгалладим. Йна бир йил тафаккурга берилдим. Уларнинг китобларини такроран ўқир эдим. Уларнинг хато ва адашишларини англадим, раддига йўл топдим ва билдимки (фалсафа) инсон қамоли учун етарли эмас”.

“Талимийлардан (исмоилий аҳли) бир кишини учратдим... уларнинг киитобларини топиб ўқидим сўзларини кўрдим... Уларнинг фасод – хатолари далиллар билан исботладим. Хулоса шуки, уларда ҳам ишга йрайдиган ва фойда берадиган сўз тополмадим”.

Шундан кейин Ғаззолий тасаввуф ва тариқатга юзланади. У ёзади:

“Ҳақиқат юзасидан англадимки, бу жамоат, (яъни сўфийлар) аҳвол эгаларидирлар, сўз аҳли эмаслар. Бу илмни таҳсил билан имкон қадар ўргандим, аммо қолган нарсаларни дарс таҳсили ва суҳбат билан эгаллаб бўлмасди, балки бу завқ ва сулукни талаб қиларди. Менга шу нарса аён бўлдики... тариқатнинг асоси тарки нафс, тарки алоиқ экан, уқбога кўнгил боғлаш, бутун ҳиммат билан Худо сари юзланиш экан. Ўз ҳолимга қарадим ва кўрдимки, таалуқларга ғарқ, дунё ташвишига кўмилган эканман”.

Шундан кейин, Ғаззолий қалбида ўтли ғалаёнлар бошлангани, шариат илми ва фалсафадан, дарсу таълимлардан совиганлигини ёзади. “Худо оғзимга кулф урди ва дарс айтолмадим, дейди у, таом томоғимдан ўтмайди, қувватим сусайиб борарди”. Табиблар уни кўриб, руҳий муолажага мухтож эканини аятадилар. Ғаззолий сафарга чиқиб ўн йил шаҳарма – шаҳар юради. Ва бу хил вақтларда менга шундай нарсалар намоён бўлдики, деб таъкидлайди улуғ олим айтиб адо қилолмайман. ...Аниқ билдимки, сўфийлар Худойи таоло йўлининг ошику соликлари экан ва уларнинг сияратларининг энг яхшиси ва уларнинг энг тўғри йўл ва ахлоқлари энг покиза ахлоқдир. Шу даражадаки, агар дин асрорининг барча оқилу донишмандларини бир-бирларига қўшсалар ва ҳулуқ атворлари, сияратларини ўзгартирсалар ва йхшилансалар ҳам бу даргоҳга йўл топмаслар. Чунки сўфийларнинг жамики ҳаракат ва сўзлари зохиру ботинда Пайғамбар (с.а.в) нинг чароғдонидан нур олгандир. Барча мукошифа ва мушоҳида Пайғамбар (с.а.в) нуридан бошланади”.

Имом Ғаззолий йўли якка ҳодиса эмас, кўпгина донишманд ҳакимлар, дин олимлари учун муштарак йўл эди. Чунки тафаккур аҳлининг аксари охир-оқибатда тасаввуфга келиб тўхталганлар. Бойзид Бистомий, Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин румий ва Баҳоуддин Нақшбандлар бошида ҳадис илмининг уламолари эдилар, кейин илмда қоникмай тасаввуфга юзландилар.

Имом Ғаззолий шу нарсани тан олган эдики, ташқи томондан расмий эътиқодга риоя этиш ва исломий ахлоққа эга бўлмаслик барча диндорларнинг вазифасини куруқ, расмийчилик юзасидан бажариладиган механик расм-русумлардан иборат қилиб қўйиб, ҳис-туйғуга жой қолдирмайди. Иккинчи томондан, ҳис-туйғуга катта ўрин ажратадиган тасаввуф ҳам, ўз таълимотларида доимо меъёрга риоя этмайди ва баъзан ислом ақидалари ва ахлоқига кескинлик руҳини олиб кириш ҳолатлари ҳам кузатилади..

Динни «жонлантириш» ва исломий ахлоқни камол топтиришни Имом Ғаззолий қуйидаги йўл билан амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди: У эътиқодга тасаввуфдан иқтибос қилинган ҳис-туйғу, ишқ каби қатор илоҳий унсурлар ва ахлоқий тушунчаларни киритиб, қотиб қолган расмийчиликни жонлантиради. Бу тажрибани тўлалигича амалга ошира олди, чунки ундан кейин у таклиф қилган йўлдан боришни истамайдиган расмийчи диндорлар жуда кам қолди, иккинчи томондан, у тасаввуфнинг барча қоидалари ва ахлоқий хатти-ҳаракатларини текшириб чиқиб, юқорида таъкидлаганимиздек улардан қайсилари сунна билан мувофиқ келади, қайсилари эса, ундан узоклашиши мумкинлигини аниқлаб, бутун бир мўътадил тасаввуф тизимини яратадики, унда ақлга номувофиқ унсурлар иложи борица камайтирилиб, асосий эътибор ташқи расм-русумларга қаратилган. Шу йўл билан кучайиб бораётган юқори доирадаги руҳонийларни қаноатлантирадиган, илк эътиқодга яқин тасаввуф ва эркин ахлоқий хатти-ҳаракат вужудга келтирилади ва бу билан тасаввуф шайхларининг таъсир доираси торайтирилди.

Мусулмон илоҳиёти ва ахлоқшунослиги тарихига Имом Ғаззолий ислом назарий ақидалари ва ахлоқини янгиловчи, унинг илоҳиёт фалсафаси бўлган каломнинг асосий тизимини вужудга келтирувчи сифатида кирди. Бу хизматлари учун руҳонийлар уни «улуғ имом» ва «ислом динининг ҳимойчиси», деб атадилар.

Алишер Навоий ўзининг “Садди исқандарий” достони муқаддимасида Ғаззолийни “Кўк ғумбаз узра безакли кандил”, “фалакдан туриб кишиларга бахт ва толеъ улашади” деб таърифлайдилар.¹

Имом абу Ҳомид Ғаззолий яшаган давр билан бугунги куннинг диний-дунёвий ҳаётида ҳам, тушунчаларида ҳам тафовутлар мавжуд, у пайтда муҳим бўлган баъзи нарсалар бугун эскирган, рад қилинган баъзи нарсалар бугун муҳимга айланган бўлиши мумкин. Имом Ғаззолий бирор мавзунини ёритар эканлар, исломий одоб ва анъанага кўра, дастлаб унга тегишли оятларни келтирадилар, сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг ҳадисларига мурожаат этадилар, кейин эса, саҳобалар, тобеъинлар ва бошқа улуғларимизнинг сўзларидан, сийратларидан далиллар келтирдилар, шундан сўнг фикр мулоҳазаларини баён этадилар, лозим ўринларда сўзлари ҳужжат билан қувватлайдилар.

Имом Ғаззолий тасаввуфдаги илоҳий муҳаббат, ишқ, симоъ² ҳодисаларига ижобий муносабатда бўлган, бу ҳодисаларни ҳам инсон руҳияти билан боғлаб тушунтирган. Унинг уқтиришича, инсон руҳиятида кечадиган, руҳни яйратадиган жами воситалар Аллоҳ муҳаббатини кўпайтиришга сабаб бўлади ва сўфийни Улуғ даргоҳга яқинлаштиришга хизмат этади. Масалан, у «Кимён саодат» асарида симоъ ҳақида бундай ёзади: «Бас, симоънинг ҳалол ва ҳаромлигида уламолар ихтилоф қилибдурлар. Аҳли зоҳир ҳаромлигига ҳукм қилубдирлар. Аммо билгилки, симоънинг ҳаром ва ҳалоллиги кўнгил

¹ А. Навоий “Садди исқандарий” Т. Ғ. Фулом 1991й. 513- бет

² Сиймо – дарвешлар, суфийларнинг зикр, рақс тушиб Аллоҳни шарафлаб, мадҳу сано айтишлари.

ҳолига қараб бўладур. Киши кўнглида шариатда ҳалол нимарсанинг муҳаббати бўлиб, симоъ ул муҳаббатни зиёда қилса, савоб ва ҳалолдир. Ва агар шариатда ҳаром нимарсанинг муҳаббати бўлиб, симоъ ўшанинг завқи ва шавқини зиёда қилса, ҳаром ва азоблидир. Кишининг кўнгли бу икки муҳаббатдан ташқари таъби лаззат олмоқ учун эшитса, мубоҳ (руҳсат)дир.¹ Зоҳирбин одам бундай дейди: одам боласи ўз жинсини севиши мумкин. Аммо на унинг жинсидан бўлган, на унга ўхшамайдиганни қандай қилиб севади? Бас, унинг кўнглида маҳлуқ ишқидан бошқа ишқ бўлмайди ва агар Холиқнинг ишқи пайдо бўлса, у ўхшатиш ҳаёлига бориб, буни ботил ҳисоблайди. Шу сабабдан дейдики, симоъ ёки кўнгилхушлик ўйинидир ёки маҳлуқ ишқидандир ва бунинг иккаласи ҳам динда номақбулдир.²

Агар бундай одамдан халқ учун вожиб бўлган Худо севгиси нимадир деб сўрасалар, амрга итоат қилиш ва тоат деб жавоб беради. Ва бу ушбу қавмга хос улуғ хатодир».

Ана шу «улуғ хато» нима эканлигини исботлаш мақсадида Ғаззолий инсон кўнгли истакларига мурожаат қилади. «Симоъ ҳақида ҳукм чиқариш учун гапни аввало кўнгилдан бошлаш керак, деб ёзади олим, чунки симоъ кўнгилда бор нарсани юзага чиқаради, ҳаракатга келтиради. Кимнинг кўнглида Маҳбубга муҳаббат учқуни бўлса, симоъ уни кучайтиради, аланга олдиради. Бундай пайтда симоъ савобдир (раводир). Симоъни ёқимли бўлгани, хурсандчилик келтиргани учун ҳаром дейиш тўғри эмас. Ёқимли нарсалар ҳаром эмас, ёқимлилардан зарарли бўлганларигина ҳаромдир».³

Ғаззолийнинг мана бу фикри ҳам муҳим: «Шуни билгилким, кимки симоъ ва важдни, сўфийлар аҳволини инкор этса, у буни ўзининг ноқислиги, калтафаҳмлигидан қилади»⁴. Демак, курук ақидапарастлик, зоҳрий билимларга ёпишиб олган одамнинг фикри заиф, тор ва ноқис, бўлади. Билим кенгайиши учун инсон ақл ва тафаккур билан бирга қалбини ҳам ишга солиши лозим. Камолот йўли шу. Маълум бўладики, Ғаззолий ҳар бир масалага ҳаётӣ эҳтиёжлар нуктаи назаридан ёндашади, курук шиорлар ташлаш, маълум, неча марта қайтарилган гапларни такрорлайверишни олим кишининг иши эмас деб ҳисоблаган. Масалан, у илоҳӣ муҳаббатнинг зарурий нарса эканлигини «Ихёи улум ад-дин» асарида мана бундай исботлаган: инсон ўзига яхшилик қилган одамни яхши кўради, гўзал нарсаларни яхши кўради, умуман яхшилик ва гўзаллик севимли, демак, жамики яхшиликлар (эзгулик) ва нафосат мужассами бўлмиш Аллоҳ таолони севишимиз табиӣ ҳолдир.

Кўринадики, Имом Ғаззолий бир томонлама муҳокамалар, яъни мана бу яхши, буниси ёмон каби ҳукмлар тарафдори эмас. У ҳар бир ҳодиса-воқеани турли томондан олиб қарайди. Жумладан, калом илмини ҳам, фалсафани ҳам, тасаввуфни ҳам қайси жиҳатлари эътиқод-иймонни мустаҳкамлайди, инсон учун зарур ва фойдали, қайси томонлари қусурли, зиддиятли, инсон эътиқоди учун зарарли эканини кўрсатиб беради. Унинг қудрати чексиз билимида, у гарчи перипатетик файласуфлар Аристотел, Форобий, Ибн Синоларни танқид қилган бўлсада, аммо ўзи тавҳид, таваккул, қазову қадар, ақли кулл, сурат ва маъно, оламлар тузилиши, («Ихёи улум ад-дин» асарида олам зарралардан ташкил топган, зарралар домӣ ҳаракатда деган фикрни билдиради), табиӣ жисмлар хусусиятини ўрганганда фалсафа ютуқларидан фойдаланади. Шундай таассурот туғиладики, Имом Ғаззолий Ибн Синоларга қараганда кўпроқ исломӣ муҳит ичида фикр юритади, кўпроқ шарқликдир. У жами илмларни ислом илми, исломӣ тафаккур тараққиётига хизмат қилдирди. Ғаззолийнинг тадқиқот усули рационалистик усул, аммо дунё ва Илоҳни англашда у ирриционал йўлни ҳам мақбул ҳисоблади, ирфонӣ билишни билишнинг юксак кўриниши деб ҳисоблади. Одамнинг ўзини таниши ҳам шу йўлдан бориши зарур, инсон ўзини танимай оламни ва Илоҳни таний олмайди. Жамики илмлар, қарашлар, таълимотлар шунга хизмат қилиши керак, деб такидлайдилар.

Имом Ғаззолий меросини ўрганиш ислом фалсафаси тарихини ёритиш, калом илми, фалсафа ва тасаввуф орасидаги муносабатларни ёритишда катта аҳамиятга эга.

3. Абу Ҳомид Имом Ғаззолий ижодида ҳақиқатга эришиш йўллари

Имом Абу Ҳомид Ғаззолий ҳазратлари ўз даврининг буюк файласуфи, Бутун дунёни титратган аллома ва кучли мутасаввиф зот бўлганлар. Имом Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг асарларида ҳақиқатга эришиш ҳақиқатни топишга оид кўплаб ишларни амалга оширганлар. Жумладан, ўзининг «Ал-Мункиз мин аз-залал» (Адашувлардан қутқарувчи) асарида шундай деб

¹ Имом Ғаззолий "Кимӣи саодат" Т. Адолат 2005й. 350-351- бетлар.

² Ўша асар 351- бет

³ Ўша асар 351- бет

⁴ Ўша асар 355- бет

ёзадилар: «Менда шундай тасаввур шаклландики, ҳақиқатни изловчилар тоифаси тўрт гуруҳга бўлинадилар:

1. Мутакаллимлар (калом илми тарафдорлари);
2. Ботинийлар (исмоилийлар);
3. Ҳакимлар (хикмат аҳиллари, яъни файласуфлар);
4. Суфийлар (тасаввуф аҳли)».¹

Бундан ташқари Имом Ғаззолий барча кишиларни уларнинг билиш қобилиятлари ва ахлоқий амалларига кўра икки тоифага бўлади: «кенг омма»-(авом) ва «терилганлар» (ал-хосса). Биринчи тоифага мансуб кишилар деб диний анъанага кўр-кўрона ишонувчи оддий эътиқоддагиларни ҳисоблайдики, уларни бошини гаранг қилмаслик учун, улар олдида муқаддас матнларга рамзий-мажозий талқинлар бермаслик керак ҳамда мутакаллимларни киритадики, улар ўз фикрий мушоҳадаларида Арасту тушунчасидаги қоидалардан келиб чиқиб, ўз вазифаларини ислом ақидаларини бидъатлардан сақлашда деб биладилар. Баъзида улар томонидан мутакаллимлар оддий динга ишонувчи оммадан юқори турувчи алоҳида тоифага ажратилади. Иккинчи тоифага у кўпинча қобикқа ўралган шаклда файласуфларни мансуб деб биладики, улар ҳақиқатга аниқ ифодаalar орқали баён қилиниши билан бирга далиллар орқали исбот қилинган нарсалар орқалигина эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Бундан ташқари, «хос» тоифа қаторига у суфийларни ҳам киритади. Чунки улар борлиқ ҳақидаги қарашга мантикий далиллар асосида эмас, балки ички туйғу орқали етиб келадилар. Имом Ғаззолий тасаввуфнинг амалий фойдасини маънавий камолот сари йўналтирилган таълимот эканлигида деб билади. Аммо у суфийларни худо билан борлиқда бирлашиб кетиш ғояси («Ваҳтади вужуд»)ни рад этиб, «бирлашиш» фақат илоҳий кучни олий даражада билиш, яъни ақлий ички туйғунинг рамзи эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатни умумий ҳолда олганда икки ҳақиқат бор у ҳам бўлса, бири моддий ҳақиқат иккинчиси эса қалб ҳақиқатидир. Моддий ҳақиқатларга ақл ердамида, кузатув, тажриба орқали эришилади. Қалб ҳақиқатига эса тафаккур ва муҳаббат, ишонч ва умид, этиқод ва ибодат, муқаддас туйғулар ва ибодат билан эришилади. Ҳақиқатга эришишни энг асосий мақсади нимада, албатта инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдадир. Инсонни эса унинг ички дунёси, руҳияти ила инсон деб тарифлаймиз демак, қалб ҳақиқатини топиш, Ҳақни таниш, инсонлар ўртасидаги инсоф, муҳаббат, ўзаро ишонч, софлик ва қалб оздлиги энг Олий ҳақиқатдир. Имом Ғаззолий ҳам айнан қалб ҳақиқатини қидирганлар ва у ҳақиқатни фалсафадан эмас, исмоилий илмларидан ҳам эмас балки, тасаввуфдан топганлигини айтадилар. Бундан мен шундай фикрга келдимки, биллур идишда сирка ичкандан, сапол косада мусаллас ичган афзалдир, яъни сийрат суратдан муҳимроқдир, қалб ҳақиқати моддий ҳақиқатдан устунроқдир. Бу билан моддий ҳақиқатлар керак эмас дейишдан йироқмиз, ҳақиқатга эришишнинг олий мақсадида инсон кадр қиймати туриши керак демоқчимиз ҳалос.

Имом Ғаззолий файласуфлар фақат фалсафа билангина ҳақиқатни топиш, яқийн ва саодатга эришиш мумкин деган қарашларига ишониб фалсафани ихлос ила чуқур ўрганиб ўша даврнинг энг кучли файласуфларидан бирига айландилар. Лекин Имом Ғаззолий фалсафада ҳам ўзлари излаётган ҳақиқат мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилдилар. Аммо бу нарса улуг олимга фалсафа ва файласуфлар ҳақида адолат ила ҳукм чиқаришга ҳалакит бермади. У киши бу борада ўз илмий изланишлари натижасини фалсафа ва мантикка аталган ўз китобларида ёзиб қолдирдилар

Булар:

1. “Мақосидул фалосифа” (“Файласуфлар мақсадлари”);
2. “Тахофутул фалосифа” (“Файласуфлар ихтилофлари”);
3. “Ал-Мункиз миназ Золат” (“Залолатлардан қутқарувчи”);
4. “Меъёрул илм фил мантик”;
5. “Махкун назар фил мантик”.

Имом Ғаззолий куйидаги асарларида фалсафа ва файласуфларга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилдилар. У киши фалсафага оид илмларни олтига бўладилар ва уларнинг ҳар бирига ўзига яраша баҳо берадилар:

1. Аник фанлар.

Ҳисоб, хандаса, жугрофия каби илмлар. Бу нарсаларда динга аралашилмайди. Улар аник хужжатларга асосланган илмлар. Шу боис уларни инкор қилиб бўлмайди. Аммо мусулмонлар бу

¹ М.Имомназаров. М.Эшмуҳаммедова. Миллий маънавитимиз асослари.Т. Тошкент ислом университети. 2001.146 бет.

нарсаларни кўриб фалсафага оид ҳамма нарса шу каби бўлади деб алданиб колмасликлари керак.

2. Мантик.

Бунда ҳам динга тегишли нарса йўк. Мантикда аклий ўлчовларга назар солиш, бурхон мукаддималари шартларини ўрганиш, уларнинг таркибида хабардор бўлиш каби нарсалардир.

3. Табиий илмлар.

Бу илмларда ҳам динга боглик нарсалар йўк. Улар ҳаммаси тажрибага суянадиган нарсалар. Шунинг учун буларни ҳам инкор қилиб бўлмайди.

4. Сиёсий илмлар.

Файласуфларнинг бу соҳадаги барча гаплари дунёвий ишларга боглик нарсалардан иборат бўлиб уларнинг кўпи Аллох таоло пайгамбарларга нозил қилган китоблардан ва набийлардан қолган гаплардан олганлар. Шунинг учун буларнинг ҳам дину диёнатга тегишли жойи йўк.

5. Ахлокий илмлар.

Файласуфларнинг бу борадаги кўп гаплари сўфийларнинг гапларига тўғри келади. Улардан Ислом таълимотларига тўғри келадиганини олиб бошқаларини тарк қилиш лозим.

6. Илоҳиётга оид илмлар.

Бу борада файласуфлари ўзлари мантикда қўйган шартларга вафо қилмадилар, улардан ташқарига чиқдилар ва катта хатоларга йўк қўйдилар.

Имом Газолий асосан файласуфларни ҳуду шу бобда танқид қиладилар. Кўпчилик фалсафа ҳақидаги танқидий гапларни умумийлашган ҳолда тушуниб хато қиладилар.

Имом Газолий файласуфларни ўчга таксим қиладилар:

Даҳрийлар (Атеистлар)

Улар Аллох таолонинг борлигини ва сонъелигини инкор қилган ва олам ўзини ўзи яратган дейдиган зиндиклардир.

Табиатчилар.

Улар Аллох таолонинг борлигини эътироф қилсалар ҳам қайта тирилиш ва совобни инкор қилганлари учун диндан чиққанлар.

Илоҳиётчилар.

Булар илоҳиёт ҳақида баҳс юритган Сукрот, Афлотун, Арасту, Форобий ва Ибн Синога ўхшаш файласуфлар. Уларнинг баъзи гапларини эътироф қилишдан бошқа чора йўк. Мисол учун Аллох таолонинг борлигини эътироф қилишлари. Аммо баъзи гапларида улар адашиб қолганлар.

Имом Газолийгача фалсафа Исломга қарши ҳужум қилар ва мусулмон уламолар ҳимояланиш билан қифояланар эдилар. Ҳудди Ислом айбдору илми қалом уламолари унинг номида фалсафага ўзр айтаётганга ўхшар эди.

Имом Газолий эса ўзлари фалсафани яхши билганлари учун айбларини англаб етганлари учун бевосита унга шиддатли ва аёвсиз ҳужум қилишни йўлга қўйдилар. Бунинг учун аввал фалсафани кўпчиликка улар тушунадиган услуб ва тилда бу нарсани англатиш лозим эди. Чунки ўша давргача фалсафа китоблари кўпчилик тутушмайдиган услуб ва тилда ёзилар эди. Уни факат файласуфларгина англаб етар эди. Бу эса ўзига ҳос тўсик яратган ва файласуфлардан бошқаларга фалсафа ҳақида сўз юритиш имконини йўққа чиқарган эди.

Имом Газолий «Макосидул фалосифа» номли осон тил ва услуб ила китоб ёзиб кўпчиликка фалсафа нима ва файласуфларни нимани мақсад қилиб олганликларини тушунтириб бердилар. Бу китобда Имом Газолий фалсафий истилохларни ва файласуфлар юритадиган баҳсларни ҳеч қандай шарҳ ёки танқидсиз айтиш ўзини қалтирдилар.

Имом Газолий кўпчиликка фалсафа нима, файласуфлар қим ҳамда мақсадлари қандайлигини англатиб олганларидан кейин фалсафани танқид қилишга ўтдилар.

Бу ишни Имом Газолий асосан «Таҳофутул фалосифа» номли китобларида амалга оширдилар. Бу китобнинг мукаддимасида Имом Газолий ўша пайтларда бошқалардан ўзларини юқори тутадиган тоифалар қилганини, улар Исломий ибодатлардан бош тортаётганларини, динга шиор бўлган намозга ўхшаш нарсаларга паст назар билан қараётганларини, ҳаром қилинган нарсалардан сакланмаётганларини, баъзилари эса бутунлай диндан чиқиб кетганларини ва бошқа афсусланарли ҳолатлар бўлаётганини айтадилар. сўнгра мазкур шахсларнинг қуфрга қетишлари сабаби ҳақида қуйидагиларни айтадилар:

«Аммо уларнинг қуфрларининг сабаби Сукрот, Букрот, Афлотун, Аристотелис каби улуг ишларни, уларнинг издошларидан ақлларини ўткирлиги, усулларининг гўзаллиги, хандаса, мантик,

табиат ва илохиятга оид илмларининг нозик жойларигача билишлари хақидаги мактовларини, буюк аклли бўлганлари учунгина анашу ишларни кила олишларини эшитганларидир.

Шунингдек, ана ўшалар ақллари ўткир бўлишлари ва фазллари кўп бўлишига карамай шариатлар ва динларни инкор қилишлари, динлар тўқиб чиқарилган хийла найрангдан иборатлигини эътикод қилишларни хақидаги хикояларни тинглаганларидандир».

Имом Газолий ўзларининг бу китобларига тўртта мукаддима қилганлар. Биринчисида ўз услубларини, иккинчисида файласуфларнинг холини, учинчиси ва тўртинчисида уларнинг шариат билан тўқнашадиган ва тўқнашмайдиган илмларини баён қилганлар.

Кейин эса файласуфларни танқид қилишга ўтганлар. Бу танқидлар илохиятга ва метафизикага оид ўн олтита ҳамда табиат илмларига тегишли тўртта масалани ўз ичига олган.

Мазкур йигирма масаладан учтасида файласуфлар қуфр қетганлиги хақида қарорга келинди. Ўша уч масала қуйидагилар:

1. Файласуфларнинг олам қадимдир деган гаплари.

Файласуфлар ўзларининг турли ақлий далилларидан қелиб чиқиб олам қадимдир, у кейин пайдо бўлган ҳам эмас, уни биров яратган ҳам эмас деган фикрни айтганлар.

Имом Газолий уларга олам қадимий илохий ирода ила мавжуд бўлгани. Ўша ирода оламни маълум вақтда вужудга қилишини ирода қилган. Ундан олдин мавжуд бўлиши ирода қилинмаган эди. Шунинг учун у пайдо бўлмаган. Янги пайдо бўлган ҳар бир нарса эса қисилга ила охириги ва қадимги сабабга бориб такалади. Ўша сабаб Аллоҳ таоло эканлигини таъкидладилар. Мисол учун оламнинг азалийлиги ёки кейин пайдо бўлганлиги хақидаги масала. Унинг хатосини Имом Газолий «Такофуъул адиллати ала қидамил олами ва худусихи» - Оламнинг қадимлиги ёки кейин пайдо бўлганлиги хақидаги далилларнинг тенглиги номили баҳсларида ёрқин ақлий таҳлил ва инкор қилиб бўлмайдиган далилу ҳужжатлар ила исботлаб бердилар.

Қадимдан файласуфлар бу масалада иккига бўлиниб олиб тортишиб қелганлар. Баъзилари олам азалий - қадимий деса, бошқалари олам ҳодис – кейин пайдо бўлган, деган.

Икки тараф ҳам ўзининг гапи тўғрилигига ақлий далил олиб қелади. Иккинсининг далили ҳам ўзига тўғри қўринади. Иккиси ҳам қарши тарафга бир хил муваффақият билан раддия қилади. Қадимдан шундай бўлиб қелмоқда эди. Бунга Имом Газолий Юнон файласуфларидан олдигиларнинг, юнонларнинг ва улардан кейин қелган фаласуфларнинг далиллари бирма бир қелтириб баён қилидлар.

Бу тортишув бундан кейин қиёматгача ҳам давом этаверади, дейдилар Имом Газолий. Аммо ундан одамларга заррача фойда бўлмайди.

Имом Газолийнинг фикрларича, файласуфларнинг мазкур тортишувлари охирига етиши мумкин ҳам эмас. Чунки улар ўзларидан мутлақ гайбдаги нарса хақида тортишмоқдалар. Ўзлари ичида турган оламнинг асли хақида тортишувни уларга қим қўйибди. Бирор нарса хақида баҳо бериш учун унинг ташқарисида бўлиш қерак. Оламнинг ичида турган одам унинг азалий ёки янги пайдо бўлганини қардан қилсин?!

Унинг ўрнига инсон қўл остида турган нарсаларни ўрганишга қаракат қилиши қерак, дейдилар Имом Газолий. Мисол учун нима учун темирни оловга тутса қуймайди-ю, пахта қида тутса қуяди? Қана шу масалани ўйлаб қўриш қерак. Пахта ўзида қуйишга қобиляти қорлиги учун қуймоқдами ёки оловдаги қуйдириш қобиляти ила қуймоқдами?

Имом Газолий раҳматуллоҳи алайҳнинг бу фикрлари муслмонларда тажрибий илмларнинг қелиб қикишига сабаб бўлди. Имом Газолий тажрибий илмларнинг қелиб қикишига туртки бўлган фикр соҳиби сифатида дунё илмий тарихида муносиб жой олган улкан ақл соҳиби бўлган муслмон шахс сифатида машҳур бўлдилар. Ўрта асрларда мазкур назарияга амал қилароқ Ислом оламида табиий илмлар қенг ривож топти. Улардан аста – секин оврополикларга ўтди ва улар бу илмларни қана ҳам ривожлантириб қатта муваффақиятларга эришдилар.

Имом Газолий ва бошқа муслмонлар инсонга ўзидаги ақл ва зақватни ўзининг имқони қаражасида, ўзига фойда қарадиган тарзда ишлатишни тақлиф қилдилар.

Инсоннинг ақл доирасидан ташқарида, қинг тортишса ҳам фойда қармайдиган қайбий олам – метафизикага оид маълумотларни эса тайёр ишонқли манбадан, яъни, Аллоҳ таолонинг Ўзи қинлар орқали қарган ҳабарлардан олишни тақлиф қилдилар. Қиний ақийдаларга оид маълумотлар айнан қайбийёт олами – метафизикага оиддир дейдилар.

2. Файласуфларнинг Аллоҳ таоло жузъий нарсаларни қилмайди деган гаплари.

Файласуфларнинг фикрича Аллох таоло факат собит куллийётларнигина билади. Шу нарса унинг камолига мос келади. Жузъий – майда нарсалар ўзгариб туради. Шунинг учун уларга боглик илм ҳам ўзгариб туради. Илмнинг ўзгариб туриши эса Аллох таолонинг камолига тўғри келмайди. Аллох таоло инсониятнинг амалларини тўп шаклида умумий ҳолда билади, ҳолос. Одамлардан алоҳида шахсларнинг қилган амалини билмайди.

Имом Газолий Аллох таоло ўша жузъий амалларнинг барчасини ўзгармас битта илм ила билишини таъкидлайдилар. Акс ҳолда Аллохнинг қодирлиги қайда қолади. Мантикий жиҳатдан бу тўғри келмайдик.

3. Файласуфларнинг охиратда жасадларнинг қайта тирилишини инкор қилишлари.

Уларнинг фикрича охиратда факат рухлар қайта тирилтириладилар, ҳолос. Бинобарин жаннатда жисмнинг лаззатланиши ва дўзахда азобланиши ҳам бўлмайди.

Имом Газолий эса жисмларни йўқдан бор қилишга қудрати етган Аллох таоло уларнинг чириганидан кейин қайта тирилтириши осонроқ эканини таъкидлайдилар.

«Тахофутул фалосифа» китобнинг аҳамияти катта бўлган. Унинг аҳамияти баъзи файласуфларни қуфр кетганини баён қилишида эмас, балки фалсафанинг диний эътиқод бобида ҳеч нарсага арзимас нарса эканини баён қилиб берганидандир. Бу борада фалсафа турли фикр, ҳаёл, киёс ва тахминларнинг йигиндиси, ҳолос.

Фалсафани илохий таълимотлар ўрнида ёки уларга тенг равишда қўрилиб турган бир пайтда унинг ҳақида илмий асосларга мувофиқ тарзда бу каби қучли зарба берилиши тарихий воқеа эди.

Имом Газолий шу тарика фалсафанинг обрўсини чилпарчин қилдилар. Файласуфлар у кишининг қучли ақли ва далиллари олдида довдираб қолишди ва деярли бирорта эътиборга олса бўладиган раддия ҳам қила олишмади.

Имом ғаззолийнинг ўзлари қучли файласуф бўлганлари аниқ. Балки қучли файласуф бўлибгина қолмай фалсафада тубдан бурулиш ясаган ва уни тўғри йўналишга йўллаган аллома сифатида танилганлар.

Имом Газолийнинг жаҳон фалсафасида тутган ўрнини тушуниб олиш учун дунёда донги кетган мусулмонмас бирорта файласуф билан солиштириб қўриш лозим бўлади.

Келинг, ўша файласуф уларнинг энг каттаси, янги фалсафа отаси уновонини олган франсалик машҳур файласуф Рене Декарт бўлсин.

Декартни машҳур қилган асосий нарса унинг шак назариясидир. У ҳақикий маърифатга эришишдан олдин шак зарурлигини таъкидлайди. Унинг бу назарияси Имом Газолийнинг шакларига жуда ҳам ўхшайди.

Ғарбда Имом Ғаззолийни билмаганлари учун шак назарияси факат Декартга тегишли деган эътиқод ила уни қўқларга қўтариб мактайдилар¹.

Шарқда Имом Газолийни билганлари учун буюқ файласуф Декартнинг назариясига ўхшаш гапни айтган шахс ҳам борлигини эслаб қўядилар.

Баъзи бирлари журъат қилиб Декарт ва Имом Газолийнинг шакларини солиштириб ҳам қўядилар.

Аммо бу борадаги ҳақиқатни ҳеч ким билмайди. Ушбу ҳақиқат ила бу сатрларнинг қотиби устоз Муҳаммад Саъид Рамазон Бутийнинг «Шахсиётун иставкафатни» номли китобларидан билди. У киши мазкур китобнинг 99 – 100 бетларида қуйидагиларни ёзадилар:

«Сўнгра бу масалада барча иккиланиш ва ноаниқликка чек қўядиган васика – ҳужжат юзага чиқди. Уни устоз Махмуд Бийжу доктор Закзукдан нақл қилди. Унда айтилишича тунислик тадқиқотчи Усмон ал-Каок раҳматуллоҳи алайҳ Декартнинг кутубхонасида «ал-Мункиз миназ Золал» китобининг таржимасини топган. Унда Имом Газолийнинг «Шак яқийн – ишончли илм – нинг биринчи поғанасидир» деган машҳур ибораси Декартнинг эътиборини жалб қилгани белгиси бор эди. Декарт ўша иборанинг тағига қизил қалам билан қизиб қўйган ва унинг тўғрисида, хошияга «Бу бизнинг назариямизга қўчирилади» деб ёзиб қўйган экан.

Энсклопедиячи тарихий тадқиқотчи устоз Усмон ал-Каок раҳматуллоҳи алайҳ 1975 – мелодий санада Жазоирнинг Аннаба шаҳрида бўлиб ўтган Ислом фикрининг ўнинчи учрашувида маъруза қилди. Унда қандай қилиб Декарт Имом Газолийнинг назариясини ўзиники қилиб олгани ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Декартнинг ўз қўли билан хошияга ёзган нарсасини ўқиганини ҳам гапириб

¹ Шайх муҳаммад содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ғаззолий ва фалсафа” мақоласидан.

ўтди. Мен ўша учрашувда иштирок қилган ва унинг мазкур маърузасини эшитган юзлаб одамлардан бири эдим» деб ёзади Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Ҳазратлари.

Имом Ғаззолийнинг ёши элликка етганда бирдан мадрасани, дўстлари ва шогирдларини ташлаб, узлатни ихтиёр этди ва бунинг сабабларини ўзининг «Ал Мунқиз миназ залол» (Гумроҳликдан қутулиш) китобида баён этди.

«Мени тақлид тубанлигидан басират баландлигига қандай журъат етказинини сенга ҳикоя қилай», деб бошлайди китобини Ғаззолий. «Калом илмидан нима олдим, аҳли таълим (исмоилия мазҳаби) ва имомга тақлид қилувчиларким, ҳақиқатни англашдан узрли ва ожиздирлар, қандай нафрат пайдо бўлганини айтай. Ва фалсафа тўқиш шевасини арзимас деб билганим... ва тасаввуф тариқатини қандай афзал билганимни айтай».

Унинг ёзишича, ёшлигидан қалбида ҳақиқатга ташналик ҳисси борлиги учун «кўркмасдан ўзини чуқур дарёга» ташлаган, яъни ҳар бир илмни дадиллик билан ўргана бошлаган. Ҳар бир тоифанинг ақидасини яхшилаб тафаккурдан ўтказган ва қониқмай яна ўргана бошлаган. Имом Ғаззолийнинг уқтиришича, илм икки хил бўлади. Бири – тақлидий илм, яъни ўтмишдан мерос қолган, ота-она ва устозлардан олинадиган билимлар. Иккинчиси – кашф этилган илм. Тақлидий илм кўр-кўрона эргашиш билан бўлади, кашф этилган илм эса ҳар бир шахснинг қобилияти, шуурий изланиши орқали қўлга киритилади. «Менинг мақсадим амрлар ҳақиқатини кашф этиш эди», дейди муаллиф. Зотан, ҳаётда жуда кўп одамлар тақлидий билмилар билан қаноатланадилар. Чунки янгилик яратмай, тайёр ҳунарлар, илмларни ўрганиб, кўп қатори яшаш осон. Аммо тараққиёт учун, инсоният тафаккурини олға силжитиш учун илоҳий ва дунёвий ҳақиқат-ларни, моҳиятларни излаш, кашф этиш зарур. Бу – айрим буюк шахсларнинг насибаси.

Шундай буюк шахслардан бири бўлган Имом Абуҳомид Ғаззолий Ҳақиқат толиби бўлиб, аввал калом илмини, сўнгра фалсафани, кейин исмоилия таълимотини ва охири тасаввуфни ўрганишга киришган. У илми калом ҳақида, фалсафа ва исмоилия ҳақида бир нечта китоб ёзади. Олим шундай хулосага келадики, илми калом ҳам, фалсафа ва исмоилия ҳам илоҳий ҳақиқатларни янгилатишга қодир эмас. Мана унинг хулосалари:

«Мутакаллимлар ўз ақидаларини чуқурлаштириш учун жав-ҳар ва араз (фалсафа тушунчалари) масалаларида баҳс бошладилар ва фалсафага қўл урдилар. Лекин улар илмининг мақсади бошқа бўлгани сабабли уларнинг сўзи нишонга етмади ва одамлар орасидаги шак-шубҳаларни бартараф қилолмадилар».

«Икки йил ичида файласуфлар илмини эгалладим. Яна бир йил тафаккурга берилдим. Уларнинг китобларини такроран ўқир эдим. Уларнинг хато ва адашишларини англадим, раддига йўл топдим ва билдимки (фалсафа) инсон камоли учун етарли эмас».

«Таълимийлардан (исмоилия аҳли) бир кишини учратдим... уларнинг китобларини топиб ўқидим, сўзларини кўрдим... Уларнинг фасод-хатоларини далиллар билан исботладим. Хулоса шуки, уларда ҳам ишга ярайдиган ва фойда берадиган сўз тополмадим».

Шундан кейин Ғаззолий тасаввуф ва тариқатга юзланади. У ёзади:

«Ҳақиқат юзасидан англадимки, бу жамоат, (яъни сўфийлар) аҳвол эгаларидирлар, сўз аҳли эмаслар. Бу илмни таҳсил билан имкон қадар ўргандим, аммо қолган нарсаларни дарс таҳсили ва суҳбат билан эгаллаб бўлмасди, балки бу завқ ва сулукни талаб қиларди. Менга шу нарса аён бўлдики, тариқатнинг асоси тарки нафс, тарки алоиқ экан, уқбога кўнгил боғлаш, бутун ҳиммат билан Худо сари юзланиш экан. Ўз ҳолимга қарадим ва кўр-димки, тааллуқларга фарқ, дунё ташвишига кўмилган эканман».

Шундан кейин Ғаззолий қалбида ўтли ғалаёнлар бошлангани, шариат илми ва фалсафадан, дарсу таълимлардан совиғанлигини ёзади. «Худо оғизимга кулф урди ва дарс айтолмадим, дейди у, овқат томоғимдан ўтмади, қувватим сусайиб борарди». Табиблар уни кўриб руҳий муолажага мухтож эканини айтадилар. Ғаззолий сафарга чиқиб ўн йил шаҳарма-шаҳар юради. «Ва бу хил вақтларда менга шундай нарсалар намоён бўлдики, деб таъкидлайди улуғ олим, айтиб адо қилолмайман... Аниқ билидимки, сўфийлар Худо таоло йўлининг ошику соликлари экан ва уларнинг сийратлари, сийратларнинг энг яхшиси ва уларнинг йўли энг тўғри йўл ва ахлоқлари энг покиза ахлоқдир. Шу даражадаки, агар дин асрорининг барча оқилу донишмандларини бир-бирларига қўшсалар ва хулку атворлари, сийратларини ўзгартирсалар ва яхшиласалар ҳам бу даргоҳга йўл топмаслар. Чунки сўфийларнинг жамики ҳаракат ва сўзлари зоҳиру ботинда Пайғамбарнинг чароғдонидан нур олгандир. Барча муқошофа ва мушоҳида Пайғамбар нуридан бошланади».

Ўзларининг ҳақиқатни излаш йўлида олиб борган изланишлари давомида ҳақиқат фалсафада бўлса, ажаб эмас, деган фикрга ҳам борган эдилар. Аммо фалсафа у киши ахтараётган ҳақиқатни бера олмаслигини тушундилар ва улар тасаввуфга юзланадилар. Имом Ғаззолий қидирган Ҳақиқат Илоҳий ҳақиқат эди ва у зот бу ҳақиқатни тасаввудда топдилар.

4. Абу Ҳомид Имом Ғаззолий ижодида инсон ҳаётининг мазмуни масаласи

Имом Ғаззолийни инсон ҳаётининг мазмуни масаласидаги фикрлари ҳам ананавий усулда очиб берилади, яни тасаввуфий қарашлар орқали шу жумладан бераётган ҳар бир мулоҳаза-фикрларини у зот Куръони карим ва ҳадислар билан ҳужжатлаб кетганлар. Бу масаладаги фикрлари Имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг дунёга машҳур «Ихёи улум ад-дин» («Диний илмларнинг жонланиши»), «Кимёи саодат» («Бахт-саодат ёки ҳикмат калити»), «Ал-Мункиз минал залол» («Адашишлардан сақловчи»), “Мукошафат ул- кулуб” (Қалблар кашфиёти), “Эй фарзанд” каби асарларида ўз аксини топган.

“Инсон” тушунчаси шунчалик кенг маънога эгаки, унинг бир қанча синонимлари мавжуд бўлса ҳам (индивид, одам, шахс) айна бу сўз моҳиятининг аниқ талқинини бугунги кунгача асосли айта олмаймиз.

Инсоннинг ижтимоий, физиологик, психологик мавжудот эканлигини доим таъкидлаймиз, аммо унинг моҳияти - инсон ҳаётининг мазмунини тушунтирмоқчи бўлар эканмиз, ғарбда гуманизм ғояларига, экзистенциализм таълимотларига, албатта шарқдаги фалсафий антропологик концепцияларга, хусусан тасаввуф таълимотига мурожаат қиламиз.

Инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш тасаввуфнинг ҳар доим ўзак масаласи бўлиб келган. Тасаввуф тарихида ҳар хил силсила ва тоифалар алмашиб турган бўлсада, инсон маънавияти масаласи ҳеч қачон тариқат аҳли диққат эътиборидан четда қолган эмас. Айниқса инсоннинг ботиний олами, руҳий дунёси, маънавий камолотини яхши ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш билан юксалтириш ва қалбларни илмнинг нурлари билан чароғон қилиш сўфийларнинг умри давомидаги мақсадлари бўлган.

Тасаввуфдаги ўзини-ўзи такомиллаштириш ғояси, ахлоқий юксалиш, эзгулик, хайр, ҳиммат, мардлик ҳақидаги қарашлар бутун мусулмон оламига кенг тарқалиб, катта ижтимоий ҳодисага айланган эди. Дарвешлар, сўфийлар, шайхлар, валий сифат руҳонийларни халқ жуда ҳурмат қилган, уларга эътиқод қўйиш орқали Тангри таоло қудратини чуқурроқ ҳис қилган, амалий турмушда одамлар шу дарвешлар каби қаноатли, ҳалол бўлишга интилган, нафсини тийган. Шунинг учун ҳам тасаввуфга таъриф берганда, жуда кўп шайхлар уни шайтоний нафсни жиловлаш ва раҳмоний хислатлар касб этиш илми деб кўрсатганлар.

Энди бу ўринда шуни айтиш керакки, агар тасаввуфнинг негизида чин инсонпарварлик ғояси, халқнинг адолат ва ҳақиқат ҳақидаги орзулари, инсон ҳаётининг мазмун ва мақсадлари ётмаганда, у бунчалар кенг тарқалмас, бунчалик кенг оммавийлашиб, ижод аҳли қалбидан ўрин олмасди, бу қадар қайноқ ва жозибали фикрлар яратилишига туртки бўлмас эди.

Ҳазрат Ғаззолийнинг бу борадаги олиб борган ишлари ва қилган амаллари таҳсинга лойиқдир. У «Мукошафат – ул кулуб», яъни «Қалблар кашфиёти» асарида Куръони Каримдан келтирилган оятлар ва Ҳадислардаги мисоллар орқали инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини очиб бера олган. Жумладан бу асарнинг инсондаги нафсни тарбиялаш қисмида куйидагиларни ўқиймиз:

“Эй инсон, билиб қўйки-доим ёмонликни ҳоҳлаб турадиган нафс сенга шайтондан ҳам душманроқдир. Нафс табиатан тинчлик, осудаликни, лоқайдлик эса, ғафлат ва бепарволикни ёқтиради лоқайд одам умрини танбаллик билан ўтказишни истайди. Нафсга берилиш яхшилиқка қайтишга умиднинг йўқлигидир. Нафсни таниган одам Яратганни таний олмайди”

Инсон Оллоҳ иродасини билиш йўлида нималар қилгани тўғрисида умрининг ўтган қисми устида мулоҳаза юритса, бу билан у бир нави ўз қалбини ювган бўлади.

Пайғамбаримиз буюрадилар: «Яхши мавзуда бир соат мулоҳаза қилмоқ, бир йиллик ибодатдан яхшироқдир». Инсон ҳаёти фақат моддийликдан иборат эмас, у умри давомида ҳақиқатни маърифатдан изласагина, ўз нафсини йўқ қилишга эришади. Зеро, ўкиб ўрганмай, илмли бўлмасдан туриб тоат-ибодат вазифаларини эгаллай олмайди. Илм шундай нарсаси, у инсонни адашганида тўғри йўлга бошлайди ва қалбига зиё тарқатади. Куръони Каримда ҳам

тафаккур, яъни фикр, қилинг дея хитоб қилинади. Пайғамбаримиз ўз Ҳадисларида: Умматим икки нарсадан ҳалок бўлиши мумкин: 1) илмни тарк этишдан 2) мол йиғишдан.

Ғаззолий олим бўл, ё илм ўрганувчи, ё тингловчи, ё илмни севувчи бўл! Бешинчиси бўлма - махв бўлурсан, деб хитоб қилади. Унинг фикрича нафсни енгишнинг ҳисоб китобини муҳаббат билан қиёслаш мумкин, яъни нафс бор жойда муҳаббат ҳам яширин бўлади. Инсон учун ихтиёр эркинлиги берилади. Инсон ўз нафси билан ҳисоблашса, бу дунёдаги амаллари гўзаллашади. Нафсни енгиб Аллоҳнинг муҳаббати билан бу дунёни чароғон этиши инсон умрининг мақсади бўлиши зарур.

Жунайд Бағдодий шундай дейди: «Ҳар муҳаббат бир нарсанинг жавобидир. У нарса зоил қилинганда, муҳаббат ҳам зоил бўлади». Бу муҳаббатни англаб етиш инсоннинг қўлида. Илмни эгаллаш жараёнида инсондаги мустаҳкам эътиқод ва муҳаббатнинг тутган ўрнини Ҳазрат Ғаззолий юксак баҳолайди. Биз билган нарсалар ҳиссиётимиз билан боғлиқ бўлади, лекин ақл билан исботланган билимларимиз ишончлидир. Демак эътиқодимизга, ақлга таяниб иш юритсак, билимларимизнинг ҳақиқийлигини сақлаб қолган бўламиз. Имом Ғаззолий ўзининг “Ихёи улум ад дин” асарида муҳаббатни инсон ҳаётининг мазмуни ва бир бўлаги деб ҳисоблаб унинг 5 турини кўрсатиб ўтади улар 1) инсоннинг ўзига ўз камолоти ва соғ-омонлигига муҳаббати; 2) инсоннинг ўз ҳаётини давом эттиришни таъминловчи уни асровчи ундан турли ҳалок этувчиларни нари тутувчи валинеъматларига муҳаббати; 3) инсоннинг гарчанд ўзига яхшилик қилмаган бўлса ҳам бошқа инсонларга хизмат кўрсатган яхшилик қилган зотларга муҳаббати; 4) инсоннинг ташқи ёки ички қиёфадаги барча гўзалликка муҳаббати; 5) инсоннинг ўзи билан ботиний яширин ўхшашлиги бор бўлган зотларга муҳаббати. Ҳазрат Ғаззолий бу фикри билан инсоннинг ўз-ўзига муҳаббати билан ички ботиний муҳаббати орасида билвосита боғланиш борлигини кўрсатиб, буюк муҳаббатга инсон нафсдан кечиш ва комиллик йўлини танлаганидагина етишиш мумкинлигини таъкидлайди. Юқорида инсон ҳаётининг мазмуни масаласида ғарб экзистенциализмининг ўз концепциясига эга эканлигини тилга олган эдик. Бу оқим вакилларида бири бўлган А Камюнинг инсон умри тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовордир. У ўзининг «Бегона» асарида инсон ҳаётига муҳаббат кириб келгандагина умрининг мазмуни ўзгариши, бугуни ва келажаги борлигига ишончининг ортишини уқтириб ўтади. Бу фикрлар А. Камюдан саккиз аср илгари шарқ тасаввуфида Ҳазрат Ғаззолий асарлари орқали ўз тасдиғини топиб ўлгурганини эсга олиш, унинг инсон ҳаёти тўғрисидаги қарашларининг қанчалик чуқур маънога эгаллиги ва бугунги кунда долзарб эканлигини тушуниб етишга имкон беради.

Инсон ҳаётининг мазмунини очиб беришда албатта инсоннинг ихтиёр эркинлиги масаласа ҳам жуда муҳим. Айниқса Ўрта аср фалсафий фикрлар ривожига тақдир ва ихтиёр эркинлиги масаласа кўплаб бахсларга сабаб бўлган. Имом Ғаззолий ихтиёр эркинлиги борасидаги қарашларида тақдир муқаррар ҳодиса сифатида талқин этилади. Бунда ҳам билим (билиш) биринчи ўринда туради; ихтиёр билимга бўйсунди. Зеро, инсон нима ўзига ёкиш ёки ёқмаслигини билим (билиш) орқали англаб етади. Умуман, ихтиёр эркинлиги ихтиёрнинг ўзига хос тури, у нимагаки инсон ишончсизлик туйса, ўшанга нисбатан бўлган ақлий муносабатдан юзага чиқади. Ихтиёр эркинлиги «касб» тушунчаси билан боғлиқ. Касб - касб этмоқ, ўзига олмоқ, ўзига юқтирмоқ сингари маъноларни англатувчи тасаввуфий атама. Масалан, Худо бир бандасини синаб кўриш учун унга ёмонликни раво кўрди, дейлик. Бу унинг тақдири, мутлақ муқаррар ҳодиса. Лекин ёмонликнинг ижроси бошқа бир одам ихтиёрига берилади, яъни синалаётган бандага ёмонлик қилиш-қилмаслиги ана шу восита-одамнинг ихтиёрий танловига боғлиқ. У - эркин. Агар у яхшиликни танласа - савоб, ёмонликни танласа - гуноҳ унинг бўйнига тушади. Худди шунингдек, ёмонлик объекти бўлган банда агар Худонинг синовига шукур билан жавоб берса, у суюқ, аксинча, шаккоклик қилиб, Худодан нолиса ёки юз ўгирса, у гуноҳкор банда. Демак, Ғаззолий тақдирнинг муқаррарлигини таъкидлагани ҳолда, инсонга маълум маънода ихтиёр эркинлиги берилганини қайд этади.

Булардан ташқари инсоннинг ҳаётдан мақсади илоҳий ҳақиқатга эришиш, ўзида гўзал ахлоқни тарбиялаш ва шу орқали комилликка етишиш туради.

Қуръони каримдаги бош ғоя Аллоҳ ўз бандаларининг комилликка эришуви билан боғлиқ. Зотан Аллоҳ инсонни комил бўла олиш имкониятлари билан бирга яратади.

Умуман олганда, комиллик имкониятларининг барчаси инсонда гўзал ахлоқ воситасида намоён бўлади. Зеро ислом динининг асосий мазмун-моҳияти гўзал ахлоқдан иборатдир. «Нисо» сурасининг 149-ояти каримасида шундай марҳамат қилинади: «(Эй мўминлар), хоҳ ошкора, хоҳ яширинча бирон яхшилик қилсангиз ёки бирон ёмонликни авф қилиб юборсангиз (Оллоҳ суйган бандалардан бўлурсиз)». Шу ўринда Имом Ғаззолий келтирган бир ҳадисни эслатиб ўтиш жоиз:

«Бир пайт пайғамбаримизга олд тарафдан бир одам келди. «Эй Оллоҳнинг Расули, дин нима?» деб сўради. Расулуллоҳ: «ГЎЗАЛ АХЛОҚ!» деб жавоб бердилар. Сўнгра ўнг тарафига ўтиб сўради: «Эй Оллоҳнинг Расули, дин нима?» Расулуллоҳ: «ГЎЗАЛ АХЛОҚ!» деб жавоб бердилар. У одам Расулуллоҳнинг сўл тарафига ўтиб, яна: «Эй Оллоҳнинг Расули, дин нима?» деди. Расулуллоҳ: «Ғазабланмаслик! Тушундингми?» деб буюрдилар»¹

Шундай қилиб, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ислом дини - юксак ахлоқ эгаларининг дини, Қуръони карим - энг улуғ Ахлоқ Китоби сифатида инсон зотиغا Ёруғ йўлни кўрсатиб турувчи муқаддас маънавий маёқдир. Имом ғаззолий ҳам инсон ҳаётининг мазмунини очиб беришда айнан шу позицияда турганини у зотнинг асарларини ўрганиб тушинишимиз керак.

Имом Ғаззолий ҳазратлари ўзининг “Кимийи саодат” асарида, Эй инсон! Зоҳирингни танимокда бош, юз, қўл, оёқ ва гўшдан ўзгани танимассен. Ботининг – руҳиятининг аҳволидин билурсенким, вақтики оч бўлсанг таом ерсан. Ва ташна бўлсанг сув ичарсен. Вақтики, ғазабинг келса, бир кишига иззо берурсан. Ва шахват ғолиб келса, хотун олурсен. Ва ҳамма чоҳорпо-ҳайвонлар бу ишларда сенинг бирла баробардирлар.

Бас, сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилғайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердин келибсен ва не ерга одат боргунгдур? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан ва Тангри нима учун яратибдур? Саодатинг не ишдадур?²

Албатта Имом Ғаззолий бу фиклари билан инсон ҳаётининг мазмуни мезонларига йўналишни гўзал тарзда очиб берди, чинакамига инсон ҳаётининг мазмуни шу саволларга, яъни нимага бу дунёга келдим, саодатим нимада каби саволларда эмасми? Инсон аввалам бор ўзлигини англайди ва ўзлигини англаши билан бу дунёга нега келганини англайди сўнгра саодати нимадалиги ҳақида ўйлайди ва англайдики унинг саодати ўзида гўзал ахлоқни тарбиялаб инсониятга нафи теккан ҳолда Аллоҳ ризолигига эришишни кўради ва шу орқали икки дунё саодатига эришишга ҳаракат қилади. Ким-ки гўзал ахлоқдан маҳрум бўлиши, илму-маърифатни англамаслиги, Аллоҳга ва инсониятга муҳаббатини топаолмаса, ҳаётий мақсадини тушина олмаса у ҳолда унинг ҳайвондан нима фарқи қолади, бу инсоннинг ҳаётининг мазмуни эмас, инсон ҳаётининг мазмуни ўз ақли-заковатини қалби билан бирлаштириш эмасми? Албатта шундай.

Фикримиз тасдиғи сифатида Имом Ғаззолий шундай дейдилар: “Агар сен тўртоёқлилар, яъни ҳайвонлар, даррандалардансен, буларнинг ишларига машғул бўлғил. Ва уларнинг тариқасини ўзинга лозим тутгилки, токим тўртоёқлилар мартабаси ва уларнинг саодатиға етғайсен”³

Имом Ғаззолий таълимотига назар ташласак ва синчковлик билан ўрганиб чиқсак шунга гувоҳ бўламлики бу зотнинг ҳаётдан мақсади илоҳий ҳақиқатни топиш эди, ва бу зот ҳақиқатни тасаввуфдан топди, демак инсон ҳаётининг мазмуни ҳам айнан ўша илоҳий ҳақиқатни топишдан иборатдир, бу дегани пайғамбаримиз(с.а.в) айтганларидек ўша гўзал ахлоқни ўзида тарбиялашдир.

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. “Мукошафат ул-қулуб”. Т., Адолат, 2002, 411-6.

² Абу Ҳомид Ғаззолий. “Кимийи саодат” Т., Адолат 2005. 29-30 бетлар

³ Ўша асар 30-бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Қурони Карим” таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Аловвуддин Мансур
2. Имом ал-Бухорий. Хадис. “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” 2-жилд. Таржимон Зокиржон Исмоил. Т., Қомуслар бош таҳририяти. 1қ1.
3. Имом ал-Бухорий. Хадис. Ал-Жомий ас-Саҳиҳ, 3-жилд. Таржимонлар Раҳматуллоҳ Қори Қосим ўғли ва Хожа Бахтиёр Набихон ўғли. Т. Қомуслар бош таҳририяти. 1қ4.
4. Имом ал-Бухорий. Хадис. “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” 4-жилд. Таржимон Абдулғани Абдуллоҳ. Т., Қомуслар бош таҳририяти. 1қ2.
5. Каримов И. “Биздан озод ва обод ватан қолсин”. –Тошкент, 1қ4.
6. Каримов И. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” –Тошкент, 1қ7.
7. Каримов И. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т., Ўзбекистон, 1қ8.
8. Каримов И. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т., Ўзбекистон, 1қ8.
9. Абу Ҳомид Ғаззолий “Мукошафат-ул Қулуб” Т., Янги аср авлоди 2004 (1-китоби)
- Абу Ҳомид Ғаззолий “Мукошафат-ул Қулуб” Т., Минҳож 2004 (2-китоби)
10. Абу Ҳомид Ғаззолий “Кимийи Саодат” Т., Адолат 2005
11. “Ислом, тарих ва маънавият” Масъул муҳаррирлар. М.Хайруллаев, Ҳ.Алиқулов. Т. Халқ мероси, 2000.
12. Жумабоев Й. “Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан” Т. “Ўқитувчи”, “Зиё Ношир”, 1қ7.
13. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Тасаввуф ҳақида тасаввур” Т.,
14. Саййид Муҳаммад Хотамий. “Ислом тафаккури тарихидан” Таржимон Н.Қодирзода. Т., Минҳож, 2003.
15. Носиров Р.Н. “Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикр тарихи” –Т. Истиқлол 1999
16. Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., Наука, 1989.
17. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т., Ёзувчи, 2006